

Рожий Маргилоний (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжажон Хўжа Низомиддин Хўжа ўгли, 1834 — Маргилон — 1918) — шоир. Кўкон ва Бухоро мадрасаларида тахсил олган. Хушхат ва саводхон бўлганлиги учун мирзалик килган. Шоирнинг адабий мероси 10 минг мисрага якин: улар газал, мухаммас, маснавий, муаммо, рубоий, туюк, китъа, фард, таърих каби адабий жанрларда битилган. Рожий лирик шеърларида пок инсоний севгини, олижаноб фазилатни улуглайди, зулм ва адолатсизликдан нолийди. «Кози сайлов», «Сайлов» хажвияларида амаддорларни, порахўр козиларни танкид килади, ўз даври сайловининг мохиятини очиб беради. «Той», «Тойчок» каби маснавийларида мустамлакачилик зулми остида кашшоклашган халкнинг турмушини, очлик, мухтожлик ҳукм сураётган мухитни коралайди. Рожий Дукчи эшон воқеаси хақида ҳам шеърлар ёзган. Хофиз, Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий, Нодира ва Фуркат каби шоирларнинг газалларига назира ва тахмислар битган.

МУХАММАСЛАР

НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Бог аро еткур сабо, ул барги гул домон иси,
То димогимдин йўк ўлгайму экин хирмон иси,
Хажр дафъига гуледин топмадим дармон иси,
Гар бахор эл топса бўстондин гулу райхон иси,
Келур ул райхон ила гулдин менга хижрон иси.

Бу чаман нахлида хуррамликни мўе топмадим,
Булбули савтида хушлик гуфтугўе топмадим,
Шабнамидин ҳам баколик обрўе топмадим,
Менки бир гулдин жахон богида бўе топмадим,
Пайлайн килса муаттар даҳрни бўстон иси.

Тушдим айру лаълидин юз минг туман душвор аро,
Бшуруб конлик ёшимни дийдаи хунбор аро,
Сирри ишким асрамайму халки нохамвор аро,
Лаъли хажридин нйхон ашким сўзин агёр аро,
Деса бўлмаским, келур бу навъ сўздин кон иси.

Улки майгун лаблари юз мурдани жонига ком,
Сўрди ахволимни, топдим ман хаёти мустадом,
Чунки ул Исо дамин анфосидур йўхйил изом,
Кайдаким жонбахш лаълидин Масихога калом
Сурди ул ердин келур юз карн сўнгдин жон иси.

Урди то машшотани зийнат учун тесуйига,
Баски юз жон банд эди гесуи анбарбўйига,

Ваҳки, жонлар чирмашибдур они хар бир мўйига,
Жон иси тутди жахонни мен борурман кўйига,
Ким тилар эл жон иси, ман истарам жонон иси.

Бог аро хар гунча диллар конидин бир-бир намуд,
Хажридин гамлар сўзидур булбули килгои суруд,
Сунбули хам кийган аммо дийдаи Рожийда дуд,
Чун Навоийга келур хижронидин хар дам на суд,
Гар бахор эл топса бўстондин гулу райхон иси.

Менам Мажнунлик услубини бунёд айлайин дерман,
Кечиб ўздин фано мулкани обод айлайин дерман,
Тааллук кайдидин жисмимни озод айлайин дерман,
Губоримни куюндек жумла барбод айлайин дерман,
Таним саргашталиг васфига мўътод айлайин дерман.

Жахон богига булбулман, адамдин ошиён кўрдим,
Бахор айёмини ўткардиму фасли хазон кўрдим,
На гулшандин асар кўрдим, на гуллардин нишон кўрдим,
Чаман аврокини боди фано бирла нихон кўрдим,
Бакосиз рангу бўдин лахзае дод айлайин дерман.

Адам рахравлари суд айламан хусрон билан кеттим,
Хаётим моясин бархам бериб нуксон билан кеттим,
Убудият матоин олмадим, исён билан кеттим,
Надомат борини хаммолиман, армон билан кеттим,
Бу йўлда эмди ажзим накдини зод айлайин дерман.

Чаман ўз мотамида шабнамидин дийда тар килсун,
Дегил, булбулга, бошига сочиб гул нолалар килсун,
Каро кийгизни илгон бўйнига кумрини бар килсун,
Хазондин дод этиб вақти сахар ул гар-гар килсун,
Ридо бўйнимда ман хам якка фарёд айлайин дерман.

Жахон бўстони нахлиману баргу барим йўктур,
Адамни субҳига шабнамману чашми тарим йўктур,
Хакикат бахрини мавжиману ок гавхарим йўктур,
Учургон ломакондин бози ман болу парим йўктур,
Вужудимга адам чекини иснод айлайин дерман.

Тугатдим дарсими боби казоу фасли фатводин,
Очарман хусну ишк авбобини Юсуф Зулайходин,
Кўрай нозу ниёз услубини Мажнуну Лайлодин,
Ёзай дил сафхасига ишк имлоси-ла шайдодтш,
Муҳаббат дафтарин бир-бир ўкиб ёд айлайин дерман.

Колубман бир куёш мехри билан юз минг тазаллумга,
Кўлимни нури кетти кўз тутиб андек тараххумга,
Дер эрдим сиррими тун хилватида чархи анжумга,
Сиришким инчунин рози дилим фош этти мардумга,
Кўзимдин ўтган ишни энди ишход айлайин дерман.

Дедим ушшок элига йўк мани бошимни даркори,
Осинг то сабаланд ўлсам, кани Мансурни ул дори,
Биёбон катъи бирлан бўлмагай ишк ахлини кори,
Кесулмас реш-реша айламокдин гамни кўхсори,
На деб ойини Мажнун, расми Фарход айлайин дерман.

Вафо хумхонасин саржўшини сокиси дилдорим,
Мухаббат бодаи дардим бериб соф айлади корим,
Матои нахватимни ташладим то жубба, дасторим,
Кетубман ўзлигимдин эмди ахбобию худ дорим,
Фано сарманзилига сарни иршод айлайин дерман.

Кеча пири мугон бир кимсани девона килмишдир,
Кириб майхонани бурчига Рожий хам сикилмишдир,
Ичибдур бодани икки аёгила йикилмишдир,
Бихамдиллох, келуб боши билан хумга тикилмишдир,
Харобот ахлини бу муждадин шод айлайин дермай.

САЙЛОВ ЦИКЛИДАН

Йўл билиб юр, кози, эл сайлови бор,
Йўлда элликбошиларнинг гови бор.
Овчилар кўймас амал сайловида,
Кайси ерда кўрса хару гови бор.
Туфлаб отмокка кози сайловида,
Яхши мерганларга тўнгиз ови бор.
Пул билан ўтсанг казо сархаддига,
Пулсирот остида ўтлиг зови бор.

* * *

Кози Исхок эрди сахро говидин,
Ирғиб ўтган хар балонинг говидин.
Кўрди элликбошилар кассобини,
Кочди хуркиб ўтлаган яйловидин.

* * *

Эхтиёт бўлгил, укам, сайлов келур,
Топганингни сочгали бир дов келур.

Олтарик махкамида бўлсанг тирик,
Жон бериб, жон олгали бир ёв келур.